

МУЛОҚОТ ЖАРАЁНИДА ГЕНДЕРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА ГЕНДЕР ЛИНГВИСТИКАСИ МУАММОЛАРИ

Исмоилова Хуснида Валижон қизи

*Фарғона давлат университети, Лингвистика: инглиз тили магистранти,
ismailovakhusnida1131@gmail.com*

Исмоилова Шодия

Фарғона давлат университети Инглиз тили кафедраси ўқитувчиси

ARTICLE INFO.

Калиг сўзлар: гендер
тилшунослиги, гендер муаммоси,
гендер категорияси, лексик
қатлам, интонация, прагматик
ўхшатиш.

Аннотация

Ушбу мақолада гендер тилшунослиги, унинг тараққий топиши, гендер муаммоси доирасидаги ўрганишлар ва йўналишлар, гендер тенглик ҳақидаги муносабатларнинг сиёсий-ижтимоий ҳолати таҳлил қилинган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2023 LWAB.

Тилшуносликнинг XX асрдаги тараққиётини ва XXI асрдаги муҳим йўналишларини социоллингвистика, психоллингвистика, компьютер лингвистикаси, когнитив лингвистика каби чегарадош йўналишлар белгилаб бергани бежиз емас, чунки бу соҳалар тилни бевосита унинг амалиёти билан боғлаб ўрғанади. Бу таҳлит ўрганиш тилшуносликни яна бир босқичга кўтариши билан бирга тил ҳақидаги тасавурларни янада ойдинлаштиришга, унинг структурасини чуқурроқ таҳлил қилишга, тилнинг ривожланиши, инсондаги психологик ва физиологик жараёнларда тилнинг аҳамияти каби масалаларни аниқлаштиришга ёрдам беради.

Сўнги пайтларда оммавий ахборот воситалари, хусусан, матбуотимиз саҳифаларида жинслараро муносабатларга оид публицистик чиқишлар сезиларли даражада кўпайди. Айниқса, аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш кўзда тутилган мулоҳазалар анча салмоқли. Бунгача ижтимоий-психологик тадқиқотларда еришилаётган энг жиддий натижалар ҳам айнан жинс тушунчасига у ёки бу даражада таалукли бўлиб чиқаяпти. Модомики, тилимизда бундан кейин жинс, яъни гендер истилоҳи фаол иштирок эта бошлар экан, унинг социоллингвистик тушунча сифатидаги мазмунини аниқлаштириб бориш керак бўлади.

Ҳозирги кундаги гендер муаммосига оид тадқиқотларни В.А.Кирилина¹ икки йўналишга ажратади:

¹ Кирилина А.В. Исследование гендера в лингвистических научных дисциплинах// Гендерные образование в системе высшей и средней школы: состояние и перспективы: Материалы международной научной конференции, Иваново, 24-25 июня 2003 г. – Иваново: Иван.гост.ун-т, 2003. – с.с.132-138.

1. Гуманитар фанлар доирасида гендер муаммоси. Бунда социология, психологияда ўрганилган тадқиқотлар тилшунослик учун асос бўлади. Гендернинг категория сифатидаги ва антологик мақоми ўрганилади.
 - a) гендер таҳлилининг умумилмий принциплари.
 - гендер – маданият ва жамият тараққиётининг ҳосиласи бўлиб қиёсий ҳарактерга ега; конвенционал моҳият сифатида тан олинади.
 - гендер бошқа социомаданий конструктлар каби ўзгарувчандир.
 - гендер умумилмий категориядир; ҳар бир фан доирасида гендернинг ўзига хослигини ва қайси методлар ёрдамида ўрганилишини еътиборга олиш керак.
 - b) гендер таҳлилининг лингвистик принциплари.
 - гендер комуникатив мулоқотнинг муҳим мезони саналади.
 - гендернинг маданий символик табиати гендер билан боғлиқ ўхшатишларнинг юзага келишига олиб келади.
 - тил ва коммуникацияларнинг гендер аспектиларини ўрганиш учун лингвистик методлар қўлланилади. Умуман тилшуносликда қўлланилаётган (социолингвистик, психолингвистик, лингвомаданиятшунослик ва бошқа) методлар фойдаланилади.
2. Лингвистик гендерология ёки гендер лингвистикаси муаммоси. Гендер лингвистикаси – илмий йўналишдаги гендер тадқиқотлари таркибига кириб, лингвистик тушунчалар ёрдамида гендерни ўрганади.

Бундан ташқари лингвистик гендерология ҳар қандай янги йўналиш каби ўзига хос қирраларга, яъни тушунчалар аппарати категориялари аниқ шаклланмаган янги йўналишдир. Бу янги йўналиш ўзига хос тадқиқот усуллари ва методларининг шаклланиш жараёнидадир. Шу билан бирга тилшунослик илмий майдонидаги олимлар лингвистик тадқиқотлар методларидан ҳамда, социолингвистика, психолингвистика ва бошқа гуманитар фанлар (лингвистика, тарих, адабиётшунослик ва бошқ.) методларидан фойдаланишяпти.

Гендер лингвистикасининг ривожланиши замонавий фалсафанинг ривожланиши ва гуманитар фанларнинг илмий йўналишларини алмашилиши билан боғлиқ ҳолда XX асрнинг охириги 10 йилликларига тўғри келади. Гендер лингвистикаси умумий ҳолатда икки гуруҳ саволларни ўрганади:

1. Гендернинг тилда юзага чиқиши: лексика, синтаксис, род категорияси ва қатор бўлимларда намоён бўлади. Бундай ёндашувнинг мақсади тилда турли жинсдаги одамларнинг тилини ифодаланиши, эркак ва аёлларга қандай баҳо берилиши ҳамда қайси семантик нуқталарда уларнинг кўпроқ тарқалганлиги, бунинг асосида қандай лингвистик механизм мавжудлиги билан ифодаланади.
2. Гендернинг нутқда юзага чиқиши: гендер қандай воситалар ва қандай контекслар ёрдамида ифодаланаётганлиги, бу процессга ижтимоий факторлар ва комуникатив воситалар қандай таъсир кўрсатаётганлиги ўрганилади. Ҳозирги вақтгача бу соҳада ижтимоий детерминизм назарияси ва биодетерминизм назариялари рақобат қилиб келмоқда.

Ҳозирги кунда гендер лингвистикасида гендернинг турли жиҳатлари ўрганилмоқда. Уларнинг айримларини алоҳида таъкидлаб ўтишни лозим топдик:

- гендер ва интонация;
- гендер ва урғу;
- гендер ва геминация;

- гендер ва лексик қатлам;
- гендер ва маъно кўчиши;
- гендер ва морфологик кўрсаткичлар;
- гендер ва синтактик воситалар;
- гендер ва фразеологизмлар;
- гендер ва дискурс;
- гендер ва прагматика;
- гендер ва оламнинг лисоний манзараси;
- гендер ва виртуал мулоқот;
- Гендер ва паралингвистик воситалар ва бошқалар.

Гендер кўп аспекти тушунча ҳисобланади. Шу боис гендер билан боғлиқ муаммолар кўпгина соҳаларнинг текшириш объекти ҳисобланади. Хусусан, социология, психология, когнитология, лингвистика каби фанларда гендер турли аспектида тадқиқ этилмоқда.

Тил қурилишида жинсий фарқлилик унинг калити ва механизмини беради. Гендер тилни таҳлил қилишда бир қанча йўналишларга мурожаат қилади:

- a) социоллингвистика – тилнинг ижтимоий моҳияти, ижтимоий вазифаси, тилга социал омилларнинг таъсири, тил таракқиётида тил сиёсатининг роли каби қатор масалаларни ўрганади²;
- b) психоллингвистика – нутқнинг вужудга келиш механизмини, болалар нутқининг шаклланиши жараёнини, нутқнинг ахборот ташиш функцияси каби масалаларни ўрганади³;
- c) этнолингвистика – тилнинг шу тил эгаси бўлган этнос маданиятига бўлган муносабатини, тилнинг функцияланиш ва ривожланиш жараёнида этномаданият, этнопсихологик омиллар ўртасидаги алоқани ўрганади⁴;
- d) нейролингвистика – нутқий фаолият бош миянинг маҳсули эканлиги, мия касаллигининг нутқий фаолиятга таъсири каби масалаларни ўрганади⁵;
- e) менталлингвистика – объектив олам қисмлари ва унинг тил тасаввурлари ўртасидаги муносабат ўрганилади⁶.

Демак, юқорида номи тилга олинган фанлар чораҳасида гендер лингвистикаси соҳасидаги фанлар пайдо бўлади. Гендер лингвистикаси ўзбек тилшунослигида энди тетапоя қилиб келаётган фан соҳаларидан бири бўлиб, лингвистик тушунчалар ёрдамида гендерни ўрганади.

Гендер лингвистикаси соҳасидаги илмий тадқиқот ишларида катталар нутқи, ўсмирлар нутқи, болалар нутқиға эътибор қаратилгани ҳолда, аёл ва эркеклар нутқи, ўғил болалар ва қиз болалар нутқи, бадий асарлардаги гендер муносабат борасидаги фарқланишлар; ижтимоий роллар, фаолият шакллариининг бўлиниши, хатти-ҳаракат ва индивидларнинг психологик тавсифларидаги фарқлар назарда тутилади.

Эркеклар ва аёлларга хос вақтни белгилаш, эркеклар ва аёлларнинг ўзларига хос сўзлашув

² А.Нурмонов, Б.Йўлдошев. Тилшунослик ва табиий фанлар. – Т. “Шарқ”, 2001, 70-бет.

³ Ўша асар. 68-бет.

⁴ А.Нурмонов, Ш.Искандарова. Тилшунослик назарияси. – т., “Фан”, 2008, 158-бет.

⁵ Ўша асар. 165-бет.

⁶ Ўша асар. 164-бет.

6

услуги, уларнинг тили ва маданиятидаги фаркли жихатлари, гендердан ўзлашган сўзларнинг тилга таъсир қилиши – дунё кўринишида, тил соҳасида эса парчалар ва мавзулар билан алоқадордир.

Гендер лингвистикасининг долзарб муаммоларидан бири, гендер муносабатда прагматик ўхшатиш, прагматик маънодошлик, прагматик шаклдошлик, прагматик зиддошлик каби ҳодисалар тадқиқи ҳисобланади. Чунки эркак ва аёлнинг алоҳида-алоҳида прагматик олами бўлади.

Эркак ва аёллар нутқининг юзага келишида уларнинг психологик хусусияти, ёши, касб-кори, ижтимоий келиб чиқиши ва оилавий муҳити алоҳида аҳамият касб этади. Шу жихатдан гендер лингвистикаси доирасида нейролингвистик тадқиқот йўналишини белгилаш ҳозирги давр тилшунослигининг долзарб муаммоси ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Кирилина А.В. Исследование гендера в лингвистических научных дисциплинах// Гендерные образование в системе высшей и средней школы: состояние и перспективы: Материалы международной научной конференции, Иваново, 24-25 июня 2003 г. – Иваново: Иван.гост.ун-т, 2003.
2. А.Нурмонов, Б.Йўлдошев. Тилшунослик ва табиий фанлар. – Т. “Шарқ”, 2001.
3. А.Нурмонов, Ш.Искандарова. Тилшунослик назарияси. – т., “Фан”, 2008.
4. Mead M. Sex and Temperament three Primitive Societies. 1935. N.Y.
5. Бендас Т.В. Гендерная психология. – М. 2006.
6. Воронина О.А. Теоретико-методологические основы гендерных исследований // Теория и методология гендерных исследований. Курс лекций / Под общ. ред. О.А.Ворониной. – М.: МЦГИ – МВШСЭН – МФФ, 2001.
7. Гендер муносабатлари назарияси ва амалиётга кириш. –Т. “Ўзбекистон”, 2007.
8. Mirzayeva, D. (2019). PROVERB AS A KIND OF PAREMIOLOGICAL FUND AND AS AN OBJECT OF LINGUISTIC AND METHODOLOGICAL RESEARCH. *Мировая наука*, (11), 33-36.
9. Mirzayeva, D. (2019). THE CONCEPT OF" FRIENDSHIP" IN UZBEK AND ENGLISH LINGUISTIC CULTURE. *Мировая наука*, (11), 29-32.
10. Mirzayeva, D. (2020). OCCURRENCE OF PRAGMALINGUISTIC FEATURES OF PAREMIAS. In *ФИЛОСОФИЯ ИННОВАЦИЙ И СОЦИОЛОГИЯ БУДУЩЕГО В ПРОСТРАНСТВЕ КУЛЬТУРЫ: НАУЧНЫЙ ДИАЛОГ*
11. Mirzaeva, D. (2021). THE ROLE OF PAREMIA IN THE SYSTEM OF NATIONAL CULTURAL HERITAGE. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 2(3).
12. Mirzayeva, D. (2021). PROVERBS AND SAYINGS AS A PRODUCT OF THE NATION'S COGNITIVE THINKING. In *Multidiscipline Proceedings of Digital Fashion Conference* (Vol. 1, No. 2).
13. Mirzayeva, D. I., & Ergasheva, N. T. (2021). A COMPARATIVE STUDY OF PHRASEOLOGICAL UNITS VERBALIZING THE CONCEPT OF" LOVE" IN ENGLISH AND UZBEK. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES* (2767- 3758), 2(11),
14. Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг жинс жихатдан хосланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 64-66 бетлар.

15. Sarvinoz, T., & Shodiya, I. (2022). TILSHUNOSLIKDA KOGNITIV LINGVISTIKA SHAKLLANISH TARIXIGA DOIR. *Involta Scientific Journal*, 1(13), 51-54.
16. Ismoilova, S. (2022). SUGGESTIONS FOR THE METHODOLOGICAL ORGANIZATION OF TEACHING AND LEARNING INTERROGATIVES. *Science and Innovation*, 1(5), 266-270.
17. Ismoilova, S., & Ismoilova, H. (2022). HUSHMUOMALALIK KATEGORIYASI VA HURMAT KONSEPTINING INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDAGI GENDER XUSUSIYATLARI. *Science and innovation*, 1(B6), 984-989.